

Технология Дарслари Ҳамда Дарсдан Ташқари Машғулотларда Ҳалқ Ҳунармандчилигини Ўрганишнинг Ўзига Хос Хусусиятлари

С. С.Игамов¹

Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган технология таълими машғулотлари ушбу туркум таълимни амалга оширишда, ўқувчиларнинг умуммехнат, меҳнат, маҳсус билим, кўнижмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда етакчи ўрин эгаллайди [1]. Технология таълими мазмуни, моҳияти ва вазифаларига кўра барча илмий, табиий, ижтимоий-иқтисодий билимларни умумлаштириб, уйғунлаштириб, мужассамлашган ҳолда амалиётга татбиқ этишини кўзда тутади.

Биз тадқиқотимизни олиб бориш жараёнида аввало, умумий ўрта таълим мактабларида технология фанининг мақсад ва вазифаларини белгилаб олишни назарда тутдик:

Мактабгача таълим-тарбия босқичида болаларнинг ёш, руҳий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат дунёси, жараёни, кишилари, буюмлари тӯғрисидаги дастлабки тушунча ва тасаввурлар уйғотиши, мақсадли иш-ҳаракат усуллари кўпроқ ўйинлар тарзида ўрганиб борилади.

Бошланғич таълим (И-ИВ синфлар) ўқувчиларни меҳнат ва ҳунармандчилик дунёси, ўсимликларни парвариш қилиш, турли материаллар билан таништириш, оддий ишлов бериш, оддий меҳнат ва ҳунармандчилик асбоблари ва меҳнат, иш-ҳаракат усуллари тӯғрисида сода тасаввурлар ҳосил қилишни кўзда тутади . Бу даврда ўқувчилар технология таълимидан ўзлаштирган билимлар кўламини ўзларининг ҳаётий тажрибаларида ва оиласидаги меҳнат жараёнида мустаҳкамлайдилар ва кенгайтириб борадилар.

Юқори синфларда технология ва касбларга йўналтириш дарслари ишчи ва мутахассисларнинг амалиётда қўлланадиган турли хил қўл асбоб-ускуналари, жиҳозлар, мосламаларни ўргатишни, меҳанизациялаштирилган ва электрлаштирилган воситалар билан ишлашни, меҳнат қонунчилиги хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари ва йўл-йўриклиари асосларини ўргатишни таъминлайди[2]. Шунингдек, бу даврда ўқувчиларда ҳалқ ҳунармандчилигининг асосий соҳалари бўйича маҳсус машғулотларни ўқитишни ташкил этиб, турли хил касбий билимлар бериш, амалий кўнижма ва малакаларни ҳосил қилишни мақсад қилиб қўяди. Ушбу машғулотларда ўқувчилар касбий маҳоратларини такомиллаштира бориб, танлаган касблари бўйича тегишли ҳужжатларни олиб, бевосита унумли меҳнат жараёнида қатнашиш имкониятига ва ҳуқуқига эга бўладилар.

Технология таълим мининг юқорида кўрсатилган мақсадига эришиши учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишини тақозо этади:

- турли соҳалардаги ишлаб чиқариш мазмунига эга вазифаларни ечиш, тажрибалар ўтказиш, ўлчов-текширув асбобларидан, маълумотлардан фойдалана олиш, меҳнат операцияларини бажариш, олинган натижаларни талаб этилгани билан таққослаш йўли билан хulosha чиқаришга ўргатиш;
- ўқувчиларда билим ва меҳнатга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат ҳиссини сингдириш, уларни жамоатчилик, ватангасадоқат, дўстлик, ўзаро ҳурмат руҳида тарбиялаш;

¹ Ph.D, Самарақанд давлат университетининг Каттақўргон филиали, Мактабгача ва бошланғич таълим, спорт кафедраси дотсенти



- ўқувчиларни бозор иқтисодиёти қонуниятлари талаблари асосида сифатли, харидоргир истеъмол моллари, меҳнат маҳсулотлари етиштиришга одатлантириш, ўзлари етиштирган маҳсулотларни ўзлари истеъмолчига етказишларига ўргатиш, иш бошқарувчилик (менежерлик), ҳомийлик, ишбилармонлик сифатларини сингдириб бориш ва ривожлантириш.

Технология таълимида халқ хунармандчилигини ўрганиш жараёнида ўқувчилар, халқимиз руҳиятини яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида халқ хунармандчилигининг киритилиши миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг кўп киррали бой меросини ўрганиш, ўзлаштириш ва амалий фаолиятларга қўллаш вазифасини ҳал этадилар.

Технология фанининг амалий ва ишлаб чиқариш мазмунидаги анъанавий синф-дарс машғулотларига нисбатан устоз-шогирд тизими тарбиявий маҳсулдорлиги, самаралилиги, бўлгуси хунарманднинг шахсий хислатларининг шаклланишига, оиласарининг моддий таъминланишига ҳамда тарихий қадриятимизнинг янада бойишига ижобий таъсир кўрсатади. Устоз-шогирд тизими машғулотларини ташкил этишни олий ўкув юртларидағи мусиқа таълимида ўқувчилар билан ўқитувчиларнинг якка тартибдаги машғулотлар ўтказиши билан таққослаш мумкин[3].

Технологик таълимни амалга оширишда умумий ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари тарбиявий муассасалар, оила, жамоатчилик, ишлаб чиқариш корхоналари, халқ хунармандларининг тажрибалари ҳамда ўзаро ҳамкорликдаги муносабатлари тикланиб, ўкув жараёнида фойдали маҳсулот – товар моддий неъматлар етиштириб, таълим муассасаларининг бозор иқтисодиётини амалга оширишда қатнашишига эришиш ҳам долзараф муаммолардан хисобланади[4].

Халқ хунармандчилиги соҳаларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган машғулотларнинг моддий, хом ашё, материаллар билан таъминланишини йўлга қўйишида деярли барча мактабларда маҳаллий имкониятлар мавжуддир. Маҳаллий хом ашё таъминотини ўқувчилар ва ўқитувчилар ўз кучлари билан бевосита амалга оширишлари мумкин. Халқ хунармандчилигининг меҳнат ва касб таълимида мунтазам ўрганилиши ўғил ва қиз болалар меҳнатини, қишлоқ ва шаҳар мактабларида муқобил машғулотларнинг ташкил этилишини ва қолаверса, ўқувчиларнинг таълим муассасасини битирганларидан сўнг доимий иш ўринлари билан таъминланишларини маълум тартибга солади. Халқ хунармандчилиги соҳаларини ўрганиш ва ўргатиш, қуруқ меҳнат юмушларини бажарадиган "ишчи-роботлар", "ишчи-механизмлар" тайёрлашни қисман бўлса-да инкор этади ва ижодий фикрлайдиган, мустақил фаолият кўрсата оладиган, юқори даражада инсонийлик фазилатларига эга бўлган, муомалали, одоб-ахлоқли инсонларни тарбиялашда имкониятлари жуда юқоридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Игамов С.С. Умумтаълим мактабларининг технология дарслари жараёнида халқ хунармандчилигини ўрганишдаги айрим муаммолар ва ечимлар //Халқ таълими журнали – Т:2021, №6. 73-75 б
2. Серебренников Л.Н. Структура технологической подготовки школ / Л.Н. Серебренников // Костромской педагогический вестник. — 2003. - № 4. - С. 23-26.
3. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Эгамов Х., Қўйсинов О.А. Меҳнат ва касб таълимида узвийликни таъминлаш муаммолари // Узлуксиз таълим журнали. – Т: 2001.—№ 2. –Б. 101-111.
4. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Холматов П.Қ. Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни касб-хунарга йўллаш технологияси. (Р.Ҳ.Жўраевнинг умумий таҳрири остида). -Т: Ўқитувчи, 2003.

